“ЎТГАН КУНЛАР”НИНГ ЁЗИЛИШИ ВА ИЛК НАШРЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР

Х.ПОЛВОНОВА

В статье рассматривается творческая история романа А.Кадыри “Минувшие дни”, анализируются различные мнения, имеющие место в литературоведени в отношении времени написания и публикации данного произведения.

The article discusses the creative history of the novel “The past days” by A. Qodiriy. The author generalizes and different viewpoints of authors concerning the time of creation of this work and its publication.

Ўзбек адабиётининг ноёб дурдонаси саналувчи “Ўтган кунлар”романи қачон ёзиб тугатилгани, нашрлари вақти, асл матни каби масалаларда манбаларда турлича фикрларга дуч келинадики, бу ҳол адиб ижоди бўйича тадқиқотларда, романни ўрганиш ва ўқитишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, манбаларда асарнинг яратилиш вақти турлича кўрсатилган. Романнинг 1958 йил нашрига сўзбоши сифатида илова қилинган “Абдулла Қодирий ижоди ҳақида” номли мақоласида Иззат Султон бу ҳақда: “Ўтган кунлар”дан дастлабки парчалар 1922 йилда “Инқилоб” тўпламида эълон қилинган эди. Уч қисмдан иборат бўлган роман 1925 йилда бутун китоб ҳолида босилиб чиқди” [6.11],- деб ёзади. Иброҳим Мирзаевнинг “Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси” номли тадқиқотида эса адиб 1919 йилдан “Ўтган кунлар” устида иш бошлагани, романнинг биринчи қисми 1922 йилда “Инқилоб ” журналида эълон қилгани қайд этилади [3.150]. 1985 йил нашрига ёзилган “Йирик санъаткорнинг тўнғич романи” номли сўнгсўзида Ҳ.Ёқубов: “Унинг биринчи бўлими алоҳида китоб ҳолида 1925 йилда, иккинчи ва учинчи бўлимлари 1926 йилда нашр этилган эди. Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг айтишича, “Ўтган кунлар” романини яратиш фикри ... 1919-1920 йилларда туғилган бўлса ҳам, ёзишга 1922 йиллардан киришган, 1925 йилнинг охирларида тугатган”(Шарқ юлдузи, 1965, №11, 223-бет)” [7.399]

Кўриб турганимиздек, И.Султон асар қачон ёзилганини аниқлаштирган эмас, И.Мирзаев асар устидаги иш бошланган вақтни қайд этиш билан чекланади, Ҳ.Ёқубов эса адибнинг ўғлидан кўчирма келтиради ва бу билан адиб роман устида 1922-1925 йилларда ишлаган деган фикрга қўшилади. Кейинроқ, “Отам ҳақида” номли хотиралар китобининг тўлдирилган 2-нашрида, “Инқилоб” журналига адиб ёзган сўзбошига 1920 йил санаси қўйилганидан келиб чиқиб, Ҳ.Қодирий “Ўтган кунлар”ни яратиш фикри муаллифда гарчи кўпдан туғилган бўлса ҳам, ёзишга 1918-1919 йиллардан киришган” деган фикрни билдиради. Қизиғи шундаки, “Инқилоб” журналида “1920 йил декабрь” санаси аниқ-равшан қайд этилганига қарамай, 1958 йил ва ундан кейин мустақилликка қадар амалга оширилган барча нашрларда “Ёзғучидан” номли сўзбоши охирига “1926 йил” санаси қўйилган. Афтидан, 1958 йил нашрини тайёрлашда илк манбалар синчиклаб ўрганилмай, романнинг китоб ҳолидаги тўлиқ нашри чиққан 1926 йил эътиборга олинган. Яъни бу ўринда роман устидаги иш у китоб ҳолида нашр этилгунга қадар давом этган, деган фикр асос қилиб олинган бўлса керак. Жумладан, Ҳ.Қодирий “романнинг журнал босмаларини китоб босмасига солиштириб қаралса, баъзи таҳририй тузатишлардан қатъи назар, шундай факт кўзга ташланади: журналда босилган боблар номланмай фақат рақамланган; китобдагиси эса ҳар бир бобга ном қўйилган... Бундан кўринадики, биринчи роман бирданига ҳозирги ҳолига келган эмас” [1.63],- деган фикрни билдиргани шунга далолат қилади.

Мустақиллик йилларида асар ҳақида кўплаб изланишлар олиб борган профессор У.Норматов ушбу масалани ойдинлаштиришга алоҳида эътибор берган. Олим романнинг журнал нашри билан 1925 йилда китоб ҳолида чоп қилинган 1-бўлимни қиёслаган ва унга илова қилинган “Узр” номли изоҳномага таянган ҳолда роман 1920 йилда ёзиб тугатилган деган хулосага келади [2.203-204]. Бизнингча ҳам, бу борада У.Норматов билдирган фикр ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Зеро, журналда чоп этилган сўзбошида айни шу сана қайд этилган. Тўғри, адибнинг “ёзмоққа ниятланганим” дейиши кишида иштибоҳ туғдириши мумкин, яъни бу ўринда ҳали ният тўлиқ амалга ошган ё ошмагани аниқ эмасдек. Бироқ ушбу жумлага матн ичида қаралса, бу адибнинг шарқона одоб, ифодада камтарлик талабларига ҳақ беришидан бошқа нарса эмаслиги ҳам кўринади: “Ёзмоққа ниятланганим ушбу – “Ўткан кунлар” янги замон рўмончи-

лиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир". Кўриниб турибдики, муаллиф бу ўринда "ушбу "Ўткан кунлар" ҳақида мавжуд нарсадек сўз юритмоқда. Кейинги гаплар ҳам худди шундай руҳда: "Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги – ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши (яъни роман майдонга чиқиб бўлган – Х.П.), аҳлларининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз тутиши табиий бир ҳолдир (яъни бу ерда тақдим этилаётган тугал асардаги камчиликлар учун узр сўраб, кейинроқ такомиллаштирилиши мумкинлиги айтиляпти – Х.П.). Мана шунинг далдасида ҳавасимда жасорат этдим (яъни романни ёздим, ёзяпман эмас – Х.П.), ҳаваскорлик орқасида кечатурган хатолардан чўчиб турмадим". Бизнингча, сўзбошининг руҳи ва мазмуни асар журналга тақдим этилган пайтда ёзиб тугатилган деган хулосани чиқариш учун етарлидир. Бундан ташқари, 1925 йилда чоп этилган 1-китобга илова қилинган "Узр"номада: "Рўмон деб сизга тақдим қилинған бу нарса **дунёға келиши билан**оқ бахтсизликка учрай бошлаған эди: **беш йиллаб босила олмай ётди**" дейилгани ҳам шу фикрни қувватлайди. Зеро, қорайтирилган ўринлар роман "Узр"дан беш йил илгари, 1920 йилда дунёга келганини тасдиқлайди. Тўғри, Ҳ.Қодирий айтганидек, "роман бирданига ҳозирги ҳолига келган эмас", ҳақиқатан ҳам, муаллиф роман устида кейин ҳам ишлаган. Бироқ кейинги ишлар таҳририй характерда бўлиб, асар тили ва услубидаги "удур-будур"ларни тузатишга қаратилган, холос. Яъни, агар бу тузатишларни жузъий деб қарасак, "Ўткан кунлар" 1920 йилда яхлит бир асар сифатида шаклланиб бўлган, дейишга тўла асос бор.

Романнинг илк журнал нашри, кейинги китоб ҳолидаги нашрлари тарихи ҳақидаги фикрларда ҳам айрим чалкашликлар ва тафовутларга дуч келамиз. Юқорида иқтибос сифатида келтирилган маълумотларнинг барчасида асар илк бора 1922 йилда "Инқилоб" журналида босилгани айтилса-да, ҳақиқатда журнал асарни чоп этишни 1923 йил 9-10 қўшма сонидан бошлаб, 11-12, 13-14 қўшма сонларида давом эттирган. Санани кўрсатишдаги хатолик синчков олим У.Норматовнинг "Қодирий мўъжизаси" асаридаги маълумотларда ҳам кузатилади [2.203]. Бизнингча, бу ҳолат манбага таянмасдан, илгари эълон қилинган ва илмий муомалага кириб кетган маълумотлардан фойдаланиш оқибатида юзага келган бўлиши, эҳтимол. Романнинг журнал нашри ҳақида ёзувчининг ўғли Ҳ.Қодирий "Отам ҳақида" номли хотираларининг тўлдирилган иккинчи нашрида берган "Ўтган кунлар"нинг айрим боблари 1923-1924 йилларда "Инқилоб" журналида босилиб турган" [1.62] деган маълумоти эса ҳақиқатга тўғри келади.

Асарнинг биринчи бор тўлиқ ҳолда (учта) китоб шаклида босилиш санаси ҳам турлича кўрсатилган. Жумладан, роман И.Султон айтганидек 1925 йилда китоб ҳолида тўлиқ нашр қилинган эмас. Шунингдек, Ҳ.Қодирийнинг: "Шундай қилиб, "Ўтган кунлар" романининг 1-бўлими 1924 йилда (1-бўлим тузатилиб,1927 йилда қайта босилган), 2-бўлими 1925 йилда, 3-бўлими 1926 йилда алоҳида-алоҳида китоб бўлиб, араб алифбосида босилиб чиқди (роман тугалланмасданоқ йил сайин бир бўлимдан босилиб чиқаверган)",- деган маълумотида нашр саналари бир йилданга ортга ё олдинга сурилган. Бизнингча, Ҳ.Қодирийнинг ушбу маълумоти биз юқорида А.Қодирийга таяниб чиқарган 1920 йилда роман ёзиб тугатилган деган хулосага зид келиб қолади. Яъни, агар ушбу маълумот асос қилиб олинадиган бўлса, адибнинг роман "беш йиллаб босила олмай ётди" дегани эътибордан четда қолган, аниқроғи инкор қилинган бўлади.

Ҳақиқатда эса романнинг китоб ҳолидаги илк нашрлари тарихи қуйидагича: 1925 йилда романнинг биринчи ва иккинчи бўлимлари алоҳида-алоҳида китобча шаклида нашрдан чиққан. 1925 йилда амалга оширилган биринчи бўлим нашри адибнинг норозилигига сабаб бўлади, шунинг учун асар бадииятига ижобий таъсир этган жиддий муаллиф таҳрирлари билан 1926 йилда яна қайта нашр этилади. Ушбу нашрнинг титул варағида рус тилидаги "А.Кадыров. Прошлые дни часть первая **Издание второе**. На узбекском языке Узбекское Государственное Издательство Самарканд-1926.-Ташкент" (айнан келтирилди - Х.П.) сўзлари ёзилган бўлиб, Ҳ.Қодирийнинг қайта нашр санасида хатога йўл қўйганини кўрсатади.

1926 йилда эса асарнинг учала бўлими ҳар бири алоҳида-алоҳида китобча ҳолида нашрдан чиққанки, шунга асосланиб "Ўтган кунлар"нинг китоб ҳолидаги тўлиқ нашри 1926 йилда амалга оширилган деган хулосада тўхташ тўғри бўлади.

Албатта, адабиётшуносликка оид манбалар, адибнинг яқинлари ва замондошлари хотираларида келтирилган маълумотларнинг шубҳа остига олинаётгани эътироз уйғотиши мумкин. Бироқ нашрлардаги библиографик ёзувлар уларга қараганда ишончлироқ эканини ҳам эътироф этмоқ зарур бўлади. Бундан кўринадики, саналган типдаги маълумотларга, айниқса, хотираларга бирмунча танқидий ёндашиш зарур, акс ҳолда мавжуд чалкашликларни бартараф этиб бўлмайди.

Асарнинг ижодий тарихини ўрганиш ва танқидий матнини тайёрлаш жараёни фақатгина асар

атрофидаги фактларни йиғиш эмас, балки йиғилган мавжуд далилларни адабиётшунослик илми нуқтаи назаридан синчковлик билан жиддий таҳлил этиш ва ҳар бир ўзгариш табиати, ўзига хослиги, юзага келиш сабаби ва натижаларини кузатиш орқали амалга оширилиши даркор. Асар матнининг ҳаваскорона таҳлили эса бадиий қиймати юксак бўлган обиданинг шаклий ва бадиий хусусиятларига путур етказиб қўйиши, бунинг натижасида муаллиф ўз олдига қўйган умумий ғоявий-эстетик мақсадлардан ўқувчи-китобхонларни чалғишига омил бўлади. Айниқса, асар нашрлари саналари билан боғлиқ юқоридаги каби маълумотлар тадқиқотчини янглиш хулосаларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу вазиятда Д.Лихачевнинг "У ёки бу асарнинг санасини белгилашда биргина асосли далил етарли асосга эга бўлмаган ҳар қанча далиллардан қимматлироқ эканлигини назарда тутиш лозим"лиги [4.50] ҳақидаги тавсиясини унутмаслик керак.

"Ўтган кунлар"нинг асл матни масаласи ҳам ҳозирги вақтда долзарб ва баҳсли бўлиб турган муаммолардан саналади. Хўш, бу муамммони қай йўсин ҳал қилиш тўғри бўлади? Адабиётшунос Д.Қуронов билан ҳаммуаллифликда ёзилган мақоламизда 1925 йил нашридан адибнинг норози бўлганлиги ва бунинг сабаблари ҳақида батафсил тўхталиб, асарнинг "Инқилоб"журнали ва 1925 йилда чоп этилган биринчи бўлими матнлари, "жузъий фарқларни ҳисобга олмасак, бир-бирига асосан мос келиши"ни айтиб ўтган эдик [5]. Биз жузъий деб айтганимизда, фарқларнинг имло билан боғлиқ бўлиб, матнга услубий ўзгаришлар киритилмаганини назарда тутганмиз.

Маълумки, романнинг дастлабки учта нашри ("Инқилоб" журнали, 1925 йил ва 1926 йил нашрлари) араб ёзувида амалга оширилган ва бу ёзув ислоҳоти амалга оширилган даврга тўғри келади. Масалан, журнал нашрида арабий сўзлар араб тили имлосига мувофиқ ёзилган бўлса, биринчи бўлимнинг 1925 йил нашри ёзув ислоҳотига мосдир. Жумладан, араб тилида фарқланувчи "З" товушининг турли вариантлари ёзувда тўртта ҳарф билан ифода этилади. Эски зиёлиларимиз араб, форс тилларини яхши билганлари учун бу тиллардан ўзлашган сўзларни қўллаганда шаклий ёзув тамойилига риоя қилганлар. "Ўтган кунлар"нинг "Инқилоб"даги нашрида ҳам шу қоидага, асосан, амал қилинган. Масалан, журналда "Зиё шоҳичи", "зот", "золим" каби сўзларнинг ёзилишида бу ҳол кузатилади. Соф туркий сўзларда эса "зе" ҳарфигина қўлланган. 1925 йил ва 1926 йил нашрларида эса барча ўринларда "зе" ҳарфи қўлланган. Шунингдек, араб тилидан ўзлашган сўзларда қисқа унлиларнинг ёзувда ифодаланмаслиги қоидасига "Инқилоб" журналида амал қилинган, кейинги нашрларда эса, ислоҳотга мувофиқ, унлилар ёзувда акс эттирилган.

Мазкур ўзгаришларни 1921 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тил ва имло масаласига бағишланган ўлка зиёлилари биринчи қурултойи самараси сифатида баҳолаш лозим. Қурултойда Абдурауф Фитрат тавсиялари қабул қилиниб, арабча ва форсча ўзлашма сўзларни ўзбекчалаштириб ёзишга, тилимиздаги олти унли ва йигирма учта ундош учун ҳарф белгилашга қарор қилинган эди. Имлодаги бу ислоҳотлар (ҳарфлар сонининг қисқариши, унлиларнинг ёзувда аниқ ифода этилиши) савод чиқариш жараёнининг тезлашиши ва самарали бўлишига маълум енгилликлар яратди.

Ҳали ёзув ислоҳоти тўла оммалашиб бўлмаган шароитда янги имло нормаларидан чекиниш ҳоллари ҳам учраб туриши табиий, лекин уларга, бизнингча, истисно сифатида қараш тўғри бўлади. Масалан, 1925 йил нашрида араб имлосига мувофиқ икки сўз – "Ҳасан Али" шаклида ёзилган исм, 1926 йил нашрида "Ҳасанали" тарзида ёзилган. Шу каби тиниш белгиларининг қўлланишида ҳам турличалик, яъни меъёрга солинмаганлик кўринади. Масалан, "Инқилоб"да "Хон қизига лойиқ бир йигит" бобининг биринчи жумласида ("Отабек, мундаги икки ёт кишини танимоғонликдан бир икки қайталаб кўз остидан ўтқузар экан Зиё шоҳичи танитиб деди:") Отабек сўзидан сўнг вергул ўринсиз қўлланган, "ўтқузар экан"дан кейин вергул қўйилмаган, "бир-икки" жуфт сони орасида чизиқча ишлатилмаган. 1925 йил нашрида "бир-икки" сўзи чизиқча билан берилган, бошқа хатолар айнан такрорланган. 1926 йил нашрида эса бу камчиликларга бархам берилган. Шунингдек, журнал нашрида қўшимчаларнинг (масалан: –ган, –га) ёзилиши жонли талаффузга яқин бўлса, кейинги нашрларда ислоҳотга мувофиқ сингармонизмни акс эттирадиган шаклда (- ған, -ға) берилган. Хуллас, "Инқилоб" журнали ва 1925 йилги биринчи бўлим нашрларини қиёслаганда, асосий тафовутлар сўз ва қўшимчаларнинг ёзилишида, яъни имло жиҳатидагина экани маълум бўлди. Муаллифнинг норозилиги сабаби ҳам айнан мана шу орфографик жиҳатга қаратилган: "... имлоси бир неча имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиҳларимизнинг мусоҳалалари орқасида техника жиҳати кўз кўриб қулоқ эшитмаган бир йўсунда чиқди. Буларнинг сабаби босилиш чоғида ўзимнинг ҳозир бўла олмағанлиғим бўлди."

Шу ўринда эслатиш жоизки, Ҳ.Қодирий ўз хотираларида адибнинг бу фикрига зид маълумот

бериб, романнинг босилишида отаси бевосита қатнашганлигини айтган. Ҳ.Қодирий бунда ўша йиллари босмахонада мусаҳҳиҳлик қилган шоир Ғайратий берган маълумотларга, шунингдек, ўзининг болалик хотираларига (Москвада ўқиган вақти отасининг қиш мавсумида уйга бир келиб кетгани ҳақида) таянади [1.101]. Бизнингча, шу маълумотларга асосланиб ёзувчининг гапини шубҳа остига олиш у қадар тўғри бўлмаса керак. Чунки Ғайратий хотираларини Ҳ.Қодирий орадан анча вақт ўтгач (хотира ёзишга жазм қилган вақтда, 60-йиллар атрофида) ёзиб олган. Бу вақтда эса Ғайратийнинг "Узр"номада айтилган айбловларни ўзидан соқит қилмоқчи бўлгани, бизнингча, табиий ва ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Аслида А.Қодирийнинг "босилиш чоғида ҳозир бўла олмаганлиғи" ишонарлироқ, фикримизча, шундай ҳисоблашимизга асос бор. Гап шундаки, биринчи бўлимнинг 1926 йилдаги қайта нашридаги ўзгаришлар фақат имловий характерда эмас, матн услубий ва график жиҳатдан ҳам жиддий таҳрир қилинган. Қиёслар ушбу ўзгаришлар асар бадииятига жиддий ижобий таъсир этган дейишга асос беради. Шундай экан, агар адиб босилишида ҳозир бўлганида, ушбу ўзгаришларнинг лоақал бир қисми амалга оширилган, демак, 1925 йил нашри "Инқилоб" журнали нашридан фарқ қилиши керак бўлур эди. Модомики, шундай бўлмаган экан, муаллиф биринчи бўлимнинг 1925 йилдаги нашрини чоп этилиши олдидан кўриб бермаганлиги аён бўлади.

Булардан кўринадики, адибнинг "мусаҳҳиҳларнинг мусоҳалалари"дан норози бўлгани асар матнининг қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди, матн тил ва услуб жиҳатларидан мукаммаллашди. Шу жиҳатдан қаралса, 90-йиллардан бошлаб 1926 йил нашри "Ўтган кунлар"нинг асл матни сифатида эътироф этила бошлаганида, албатта, муайян асос бор. Бироқ, биринчидан, матншунослик амалиётида ёзувчи ҳаётлигида амалга оширилган охирги нашр эътиборлироқ саналиши, иккинчидан, 1933 йил нашри олдидан ёзувчи матнга бадиий жиҳатдан ютуқли таҳрирлар киритгани эътиборга олинса, бизнингча, сўнгги нашрни асос матн сифатида қабул қилиш илмий жиҳатдан тўғри бўлади. Бу борадаги кузатишларимизни кейинги мақолаларимизда ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

Адабиётлар:

1. Қодирий Ҳ. Отам ҳақида.-Т.: Адабиёт ва санъат,1983.-Б.62
2. Норматов У. Қодирий мўъжизаси.- Т.: Ўзбекистон, 2010.- Б.203-204
3. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси.- Т.: Фан,1977.-Б.150
4. Лихачев Д.С. Текстология.Краткий очерк.- М.;Л.,1964.- с.50
5. Қуронов Д., Полвонова Х. Мукаммаллик йўлида. // Шарқ юлдузи.- 2007.- №1.- Б.139
6. А.Қодирий. Ўтган кунлар.-Т.: Ўздавнашр, 1958.- Б.11
7. А.Қодирий. Ўтган кунлар.- Т.: Ўқитувчи, 1985.- Б.399

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)